Омина Шенликўғли

ЭҲРОМЛАР ҚИЗИ ЛАЙЛО




ZUKKO KITOBXON

821.512.161-3
Ш 45

Омина Шенликўғли

ЭҲРОМЛАР ҚИЗИ ЛАЙЛО



ZUKKO KITOBXON

УЎК 821.512.161-3
КБК 84(5Турк)
Ш 45

Таржимонлар
Алишер Равшанов

Шенликўғли, Омина
Эҳромлар қизи Лайло: қисса / Таржимон Алишер Равшанов – Тошкент: “ZUKKO KITOBXON” номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2022. – 272 б.

KOSONSOY TUMAN
AXBOROT - KUTUBXONA
MARKAZI
Kir 2023/1-389
«___» ___ 20___ y.

УЎК 821.512.161-3
КБК 84(5Турк)

ISBN: 978-9943-7788-8-7

© «ZUKKO KITOBXON» номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2022

СЎЗ БОШИ

Ҳеч бир намунага қарамай яратувчи бўлган Аллоҳнинг номи билан

Бугун, Аллоҳ насиб этса, ФИКРЛАР ЗАНЖИРИ билан яна бир муҳим қадам босмоқдаман.

* * *

Динини ҳимоя қилиб, ватанини ҳимоя қилмаётганлар, фикримизча, катта хатога йўл қўймоқдалар. Ҳа, бизда уч нарса учун жон фидо қилинади: дин учун, номус учун ҳамда Ватан учун. Иккитаси, яъни номус ҳамда Ватан олдида айби бўлганлар ўлдирилади. Қўлингиздаги роман орқали айнан шу мавзуни ёритиш мақсадида йўлга чиқдик.

Мазкур асаримни ўз Ватанини севган барча инсонларга бағишлайман.

19.10.2015 Истанбул
Омина Шенликўғли

I БЎЛИМ

ЗУЛМАТЛИ ҚОҲИРА

Шижоати бўлмаса,
Сотилмаса,
Кўнгиллар тарбия қилиниши керак.

Ярим тун. Саҳронинг сукунатини чинқириб йиғлаётган бир аёлнинг дод-фарёди бузарди. Оёқлари қумга ботиб-ботиб қолаётган аёлнинг кўзларига ой нурлари келиб уриларди. Олис-олислардан машина овози келар, аммо яна аста-секин узоқлашар, охири, эшитилмай ҳам қоларди. Карвон ўтмас, қуш учмас ушбу саҳрода ёлғиз қолган аёл йиғлаганча овозини ўзига ҳамроҳ қилар ва нола қилганча ичидаги аламини тўкиб соларди:

"Инсон зоти аёл кишини қандай қилиб зулматнинг ўртасига ташлаб кета олади-я? Аллоҳим! Аллоҳим, уни менга қайтиб рўбарў қилма. Ҳусну, сен инсон қиёфасига кирган шайтонсан. Менга бундай қилмаслигинг керак эди, Ҳусну! Мен отамнинг қаршилигига қарамасдан сен билан қочдим. Фақат сени дедим... Сенга жонимни бердим..."

Ерга ётиб олганча ҳиқиллаб давом этарди: "Бундай ишларни қиладиган одамга ўхшамасдинг. Шунчалар золим экансан,

кўзимга нима учун инсон каби кўриндинг... Модомики инсон эмас экансан, нега одамлардек Аллоҳга сажда қиласан? Худодан топ, аммо мендан ҳам ҳали кўрасан, Ҳусну! Биргина, айни шу кеча учун ҳам сени асло кечирмайман. Эшигимда қул бўлсанг ҳам, юзингга қайрилиб қарамайман".

Аёл бирдан ўрнидан турди. Ой ва юлдузларга қаради-да, Қоҳира томон юра бошлади. Саҳродан ўнлаб километр узоқликдан қандайдир бир шуъла кўриниб турарди. Чуқур нафас олди-да: "Аллоҳим, ўзинггагина сиғинаман. Мусонинг кўрган нури каби бу ёруғликни ҳам мен учун хайрли қилгин", деди.

Ерга алам билан қадам босар, қадамлари гўёки қумни ёрадигандек шиддатли эди.

Аёл кўз ёшларини арта-арта давом этарди:

"Биламан: аслида, сени деб кўз ёш тўкиш аҳмоқлик. Сен учун ўртанган кўнглимга Аллоҳ жазо берсин. Келиб-келиб, сендек мунофиқни танлади-я! Аммо шу кеча кўнглим ҳам сени тарк этди. Энди асло сени, деб азобланмайди. Сенга ишонгандим, Ҳусну".

Аёл ҳашаротларнинг овозидан бошқа бирор товуш эшитилмайдиган ушбу саҳрода соатлаб юрди. Ҳарорат 40 даражадан юқоридек туюларди. Шамол ёш аёлнинг юзига тинимсиз келиб уриларди. Аёл бечора қаттиқ чарчади, шу топда оёғини кўтаришга ҳам мажоли қолмаганди. Тушкун ҳолда яна чўккалаб қолди.

Аёлнинг ҳис-туйғуси мисоли тупроқ кабидир. У қадамларини тупроққа босганча юриб борар, гўёки уни эшитадиган бирор кимса бордек бақирганча нола қилар эди:

"Эй ноинсоф, сенга ишонгандим. Жуда қаттиқ ишонгандим. Ҳусну, ёшлигимни сенга фидо қилдим, аммо сен мени

хароб қилдинг. Энди, қорнимдаги бола билан қаерга ҳам бора оламан? Отам сен туфайли мендан юз ўгирди. Неча йиллардан бери шу азоб билан яшадим. Лаънат бўлсин, оловлар ичида ёниб-ёниб хароб бўлгин-да, мени кулларимни излагин".

Бу ер – ёш аёл учун эри уни ўлимга юборган ва қонга бўялган бир саҳро эди. Гўёки туганмас карахт ҳолати давом этар экан, бир қарорга келди. Ўлар даражада йиғлаган бу жой энди у учун Ҳуснунинг қабридир. Аёл бу сафар осмон тоқини тешиб юборгудек даражада бор овози билан бақирди:

"Ҳусну, Аллоҳ жазонгни берсин. Мен сен туфайли университетни ташладим. Сенга жуда ишонгандим, Ҳусну".

Аёл ғазабини тўхтата олмасди. Ўрнидан турди-да, осмонга қараб, ўз атрофида айланганча сўзлай бошлади:

– Сизлар ҳам мени эшитинг, эй юлдузлар, эй ой ва булутлар! Эшитинг, аҳмоқлигимдан куяман, уни деб оиламдан воз кечдим, аммо бариси тугади... Келажагимдан воз кечдим... Энди эса Буржул Қоҳирада умримни ўтказмоқдаман. Қоҳира минорасида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган бир аёл бўлдим, аммо унга эриша олмадим. Уни ўзимга боғлай олмабман. У инсон эмас экан: мени шу ерда ташлаб кетди. Айни шу ерда силовсинларнинг, тулкиларнинг, энг даҳшатлиси, илонларнинг кезиб юрадиган макони бўлган саҳрода мени ташлаб кетди.

Ғазабланган бир ҳолда телбаларча Қоҳира томон юриб борар экан, орада овозини пасайтирарди. Бир пайт қорнидаги боласига хитобан гапира бошлади:

– Болажоним, отанг иккимизни ҳам бир аёлни деб сотди. Ўша аёл отангни иккаламиздан ҳам тортиб олди. Сўраганимда "Нима қилай, унга ошиқ бўлдим, менинг қўлимда эмас", – дейди. Болагинам, пасткаш отанг арзимас баҳоналар

билан бизни тарк этди. Ўзидаги бор инсоний хислатларини улоқтирганча кетди. Аммо сира хавотирланма, ёлғизим, мен сени бирор кимса учун ташлаб кетмайман. Шу тун гувоҳим бўлсин, болагинам, сени онасиз қолдирмайман.

Аёл шундан сўнг Аллоҳга илтижо қила бошлади:

– Аллоҳим, Аллоҳим! Мен ўша бандангга ҳаддан зиёд ишондим. Ўзимни жуда ёмон ҳис қилаётганимни биласан. Роббим! Оёқ-ости қилиндим. Менга шундай куч берки, уни деб тушкунликка юз тутмай. Қалбимга ҳаловат бергин. Унинг изтироблари асири бўлишимдан сақлагин.

Аёл бу орада жуда узоқдан ҳаракатланаётган қандайдир шарпанинг қорасини кўргандек бўлди. Шарпа аёл томон келарди. Қўрқув аёлнинг оёқ учигача титратиб юборди. Нима бўлса экан-а, бу шарпа? Нима қиларкан, қай томон кетса экан-а?

Ўзини тилка пора қилса ҳам, неча бор бақирса ҳам, шу тобда унинг овозини ҳеч ким эшитмас эди. Қўрқув аёлни тарк этмас, аксинча, янада бечоранинг вужудини қамраб оларди. Шарпа тўғри у томон келар, шундоққина эллик метрча оралиқда яқинлашиб қолди. Энди аёл ёнида туяси бўлган, оқ кийимли бир кишини аниқ кўриб турарди. Кўп ўтмай бир карвон келаётганини пайқади. Карвон беш туя ва икки кишидан иборат эди. Аёл энди уларни ой нурида аниқ кўриб турарди. Қўрқувдан дағ-дағ қалтирар, ич-эти титрар эди.

Саҳрода ташлаб кетилган бу аёлнинг исми Лайло эди.

Лайло ўз-ўзига шивирларди:

“Кимсасиз ушбу жойларда қароқчиларга дуч келдимми! Роббим, мени асра. Қўрқяпман. Ваҳ, булар менга бирор ёмонлик қилсалар-чи!

Аёлнинг бўйнида тақинчоқ каби тақиб олган кичик бир пичоқ бор эди. Ёдига тушар-тушмас, биринчи иши тақинчоқни узиб, пичоқни қўлига олиш бўлди.

Бу вақтда карвон анча яқинлашиб қолганди. Аёл қочишни ўйласа-да, аммо бунинг фойдаси йўқлигини англаб етганди. Қолаверса, карвон ҳам унинг ёнига келиб бўлганди. Карвон Лайлонинг олдига келиши билан тўхтади. Қирқ ёшлар атрофидаги одам тўқ жигарранг туянинг устидан тушди. Ёшроғи эса карвонда қолди. Йигирма беш ёшлардаги йигит қўлидаги туянинг жиловини шеригига берди.

– Сен тўхта, тушма, – деди катта ёшдагиси, сўнг аёлга ўгирилди. – Бу ерда нима қиляпсан?

Лайло қўрққанидан жавоб беролмади.

– Исминг нима, ё Ҳажжа, инсонмисан, жинмисан?

– Исмим Лайло, эй бошмуҳандис.

– Бу ерларда нима қилаяпсан, Лайло?

– Даҳшатли бир воқеани бошдан кечирдим. Эрим билан машинада кетаётгандик. Бир ҳолат бўлди. Мен ўзимни машинадан ташлаб юбордим... Асабийлашган эдим, рости. Эримни қайтади, деб ўйладим, бироқ қайтмади. Энди эса уйимга кетяпман.

– Табиийки, бу ерлардан қутила олсанггина етиб борасан.

Эркакнинг бу гапи нимаси энди? Агар бу одам яхши ниятли бўлганида: "Табиийки, бу ердан қутила олсанг", – деярмиди? Бу қароқчи нега бундай сўзлаяпти?

Йўловчи яқинлашган сари Лайлонинг юраги қинидан чиқаёзгандек бўлди. Кўринишидан узун бўйли, қўнғир сочли, мовий кўзли Лайло эркакларнинг эътиборини ўзига ҳаддан

зиёд тортадиган бир аёл эди. Бу қароқчи унга раҳм-шафқат кўрсатармиди?

Қора шойидан тикилган узун юпкаси, қизил кўйлаги, ярим ўралган қора нафис ипак рўмоли билан янада чиройли кўринишини аёлнинг ўзи ҳам биларди. Йўловчи ҳам унинг гўзаллигини кўриб турарди, негаки саҳро тўлин ой нурида кундуз каби ёруғ эди. Бу кеча, кошки, пардозланмаган бўлсайди, гўзаллашмасайди. Ҳуснуга чиройли кўриниш учун ўзига зеб беришга қанчалик ҳаракат қилганди-я. Ҳатто улама киприк ҳам тақиб олганди. Кошки, тақмасайди-я.

Йўловчи бир қўлини туясининг бўйнига қўйганча сўради:

– Эринг эса машинасини тезлатганча кетди. Шундайми?

– Ҳа

– Вой итнинг боласией, ифлос! Шундай кимсасиз ерларда аёл киши ташлаб кетиладими? Эринг одам эмас экан. Сенга мен бегонадан маслаҳат: албатта, бу ердан соғ-саломат чиқиб, халос бўлсанг, у ифлос одамдан воз кеч. Сени саҳрода ёлғиз ташлаб кетганлигини айтсанг, суд раиси сенга биринчи жараёндаёқ ажрим беради.

Йўловчи шундан сўнг Лайлога қарар экан, ички овозда шундай деди: "Қандай чиройли аёл. Ой нурида бундай кўринадиган гўзал.... Тавба, тавба..."

Лайло қўрқувдан ҳамон титраб турарди. Ўзини мажбурлаган бир ҳолда гапирарди:

– Қаранг, менинг отам ҳоким...

Эркак истеҳзоли ҳолда кулиб юборди-да, мазмунсиз бир ифода билан Лайлога қаради:

– Э! Отанг ҳоким бўлса нима қилай? Бу ерда ҳокимнинг сўзи ўтади, деб ўйлайсанми?

Лайлонинг ички овози: "Ей Аллоҳим! Бу одамнинг нияти яхшига ўхшамайди. Аллоҳим, мени ўзинг асра", – дея илтижо қиларди.

Лайло қўрқув ичра дуо қилар экан, йўловчи яна саволга тутди:

– Русларга ўхшайсан, русмисан?

– Йўқ, метисман. Онам турк, отам араб. Мисрликман. Мисрда – Қоҳирада яшайман. Жуда номуслиман. Мен қарғаган одам шол бўлди.

Ҳаяжондан телба-тескари гапираётганини идрок қилмас, тилига, хаёлига келганини сўзлар эди.

Йўловчи соатига қаради ва:

– Тонг отишига оз қолди. Нимани ўйлаяпсан? Сенингча, икки соатда уйингга етиб оласанми? – деб сўради.

– Албатта, энди югуриб кетаман. Уйим Қоҳирада, – дея шошганча жавоб берди Лайло.

Шу онда булутлар ойни тўсиб, атрофни зулмат қоплади. Йўловчининг кўмирдек кўринган юзи Лайлога қоронғиликдан кўра кўпроқ қўрқув солди.

Йўловчи баланд овозда эътироз қилди:

– Бўлмайди! Сени бу ерларда ташлаб кетишимиз тўғри эмас. Қани, туяга мин-чи, аввал сени олиб, шаҳарга киравериш да қолдириб кетамиз. – Эркак туянинг устидаги ёш йигитга ўгирилди. – Майлими, Али? Ташлаб ўта оламизми?

Лайло ҳаяжон билан ўша йигитга қаради.

Йигит “Билмасам”, дегандек елка қисиб қўйди.

Лайло ичида: “Эй воҳ, балки, бу одам мени олиб қочишни ўйлаётгандир. Эҳтимол, сотиб юбормоқчидир. Нега мени шаҳар кираверишида ташлаб кетишмоқчи?” – дея ўзига сўзларди.

Лайлога бир аёл ҳақидаги фожиани айтиб беришган эди. Эмишки, саёҳат вақтида чиройли аёлнинг эри вафот этади. Аёл икки фарзанди билан ёлғиз қолади. Қароқчилар ўша аёлни олиб кетиб, сотиб юборадилар. Болаларини ташлаб кетишади. Болаларнинг кўз ёшларига ҳеч ким эътибор қилмабди. Шундай қилиб, онани ўз болаларидан жудо қилганлар.

Қароқчида шафқат бўлмайди. Бу одамнинг ҳам ўша қароқчилардан фарқи бўлмаслиги мумкин. Ажабо, бу эркак Лайлонинг бундан кейин нима қилиши кераклиги борасида режа тузмоқдами? Эҳ, кошки, бирор нарсани тушунганида эди, тинчланармиди. Лайло дарҳол йўловчига ўгирилиб деди:

– Раҳмат, соғ бўлинг, бош муҳандис, соғ бўлинг. Мен ўзим кетаман. Туяга минмайман.

– Бўлмайди, ё ҳажжа, сени бу кимсасиз саҳрода ёлғиз қолдиролмайман. Мен ҳақимда қанақа ва нимани ўйладинг, билмайман, аммо сен каби аёлнинг ёлғиз ўзини ташлаб кетадиган даражада аблаҳ эмасман. Бу менинг ўғлим. Уни уйлантириш учун бир қизникига совчиликка кетяпман. Онаси эрта тонгдан йўлга чиқарди. Қўрқма. Мен охират кунига ишонганман. Сенга зарар бермайман. Туялар ҳақида сўрамоқчи бўлсанг, совчилигимиз ўнгидан келса, биттасини ўша ерда сўяман. Иккита туяни эса сотганман, эгасига олиб кетяпман. Қолган иккитаси эса бизники, – дея изоҳ берган бўлди йўловчи.

Лайлонинг ички овози: “Бу сўзларга ишонсаммми? Ишон, ишон. Қара, бу одам мусулмон экан. Аммо мусулмон кўрин-

гани ҳолда шайтоннинг бири бўлса-чи? Мунофиқлар ҳам бундай сўзларни айтиши мумкин-ку, ахир" – дер эди.

Лайлонинг хаёлига намоз сабаб алданган одам келди. Икки киши бир магазинга кирибдилар. Маълум миқдорда улгуржи маҳсулот олишларини айтишибди. Шу пайт азон овози эшитилибди. Ҳалиги кишилар: "Биз намоз ўқиб келайлик, савдони кейин давом эттирамиз", – дейишибди. Савдогар ҳам уларни эътиқодли инсонлар, деб ўйлаб мол берибди. Шу кетганча икковлон қайтиб келмабди. Бу йўловчи ҳам ўшалардек бўлиши мумкин...

Лайло кўзларида қўрқув ила, юзидаги чизиқларга қараб инсоннинг қандайлигини биладигандек йўловчига термулди.

– Қаердан келаяпсан? – дея эркак яна савол берди.

– Мансурага кетаётгандик. Бир соатча олдин эрим билан ўртамизда нохуш ҳолат юз берди. Кейин эса сизга айтганимдек, қаерда эканимни билмасдан шиддат билан ўзимни машинадан ташладим.

– Тасанно, икки жоҳил бир бўлибсизлар. Ақл юритмабсизлар ва бир фалокат учун шароит яратибсизлар. Аёл кутилмаган вақтда эридан эътибор талаб қилади. Эрим эътибор қилсин, деб фақатгина юриб кетаётган машинадан сакраш эмас, ҳатто илон тўла қудуққа ҳам ўзини отади. Аммо буни жоҳил эркаклар билмайдилар. Билганларида эди, бу талабга жавоб берар эдилар. Эҳ, сиз аёллар ва эссиз биз эркаклар. Энди нима қиламиз? Сен учун қайтишга мажбурмиз. Қоҳиранинг қаеридансан?

– Замалик оролидан.

– Ёмон бўлибди. Ҳар ҳолда жонингдан роса ўтган бўлса керак, акс ҳолда бу танҳо ерда ўзингни машинадан ташлашга жасорат қила олмас эдинг. Тингла, сенга яна ўша гапни ай-

таман, у одам сенга эрлик қилолмайди. Бундай ерда хотинини ташлаб кетган одам: "Хотинимни ким олса, олсин", – деган бўлади. Қара, ҳали ҳам келмаяпти. Бироз вақт юргач, асаби тарқаган бўлиши ва ортга қайтиши керак эди, аммо ақлсиз одам қайтмаяпти. Сени Мансурагача олиб боришим мумкин, у ерда яқинларинг борми?

– Йўқ! Эримнинг оиласи бор. Бироқ мен отамнинг уйига боришим керак. Сиз йўлингизда давом этинг, эй бош муҳандис, мен ўзим етиб оламан.

Йўловчи туяга ўтириб буйруқ бергач, туя чўккалади. Сўнг эркак қўли билан ишора қилди:

– Марҳамат, сени шу ерга олайлик.

Лайло ҳали ҳам иккиланиб турарди. Йўловчи эса жиддий оҳангда гапирди:

– Қани, мин туяга! Жиннича ишларни қилиб қўйиб, энди, менга қайсарлик қилма. Қани, кўрай-чи, мин туяга. Мен бир аёлни ушбу саҳрода ташлаб кетадиган аблаҳ эмасман.

Лайло ҳамон ўз гапида қатъий туриб олганди:

– Ўзим етиб оламан.

– Кўп гапирдинг-да, болам. Саҳродаги бўрилардан қўрқмайсану, лекин мендан қўрқасанми?

Лайло қўрқув ичра хавотирланганча бир эркакка, бир унинг ўғлига қараб, ерга чўк тушган туяга минди. Ички овозда: "Аллоҳим, менга ёрдам қил. Бу одам мени қаерга олиб боради, билмайман. Ёки Мансурага қайтсам, ҳолим нима бўлади" – дея пичирларди.

Туяга "Қўзғал" дея буюрган ҳалиги эркак иккинчи туяга минди. Унинг ўғли эса учинчи туяга минди. Эркак туясига

Қоҳира томонга йўналиш буйруғини берганча олдинга ўтар экан, Лайло чуқур-чуқур нафас олар экан: “Эй, Аллоҳим, сенга шукурлар бўлсинки, биринчи қадам тўғри ташланди. Ёки ўша томонда бу одамга тегишли ертўлага ўхшаш бирор жой бормикан-а?” – деб ўйлади бу сафар.

Йигитнинг қовоғи осилган эди. Орада Лайлога қараб, ғазабнок тарзда минғирлаб оларди:

– Қара, сен туфайли севган қизимнинг жавобини ололмаймиз. Шу тўғрими энди?

Ҳалиги эркак эса олдинда кетар экан, ортига ўгирилиб, бақирганча савол беришда давом этди:

– Эй Ҳажжа, гапинг чала қолганди. Замалик оролининг қайси томонида яшар эдинг?

– Шария шажаратуддурда, афандим.

– Яхши, сени бирор таксигача олиб бораман. У ердан ўзинг кета оласанми? Биз ҳам йўлимиздан қолмайлик, ҳеч бўлмаса, тонгача қизнинг уйида бўлармиз. Бугунги қўрқувлар сенга етарлидир. Бундан кейин жаҳлинг чиқса ҳам, ўйлаб қадам ташлагин. Бу саҳролар эркаклар учун ҳам хатарлидир. Сен қандай журъат қилдинг, ҳеч ақлга сиғмайди. Хафа бўлма, Ҳажжа, менинг қизим ёки синглим бўлганингда эди, яхшилаб таъзирингни берган бўлардим. Эрингни эса ўлгудек савалардим. Майли, боядан бери қаттиқ гапириб юбордим, қўполлигимни кечир.

Шундан сўнг ҳамма жим ҳолида йўлларида давом этардилар. Поёнсиз саҳрода туяларнинг қўнғироқлари овозларидан бошқа бирор тиқ этган товуш эшитилмасди.

Лайло сассиз-садосиз йиғлар экан, ички овози билан ўз-ўзига гапирарди: “Хуллас, сени бир аёл билан қўлтиқлашиб тушган расмингни кўрмоқчи эдимми? Сенга ишонардим.

Мен сенга ўзимга ишонганчалик ишонгандим, Ҳусну. Қара, қай аҳволга тушдим. Ёнимдаги ушбу икки эркак менга ёмонлик қиладиган бўлишса, бундан хабаринг ҳам бўлмайди. Шу кеча ушбу жойда ўзимни зулмга учрадим, деб ҳисоблайман ва сени асло кечирмайман.

Лайло кўз ёшларини қўллари билан артар экан, йўловчи буни пайқаб қолди:

– Бўлди, йиғлама энди, эй Ҳажжа. Мен сени шаҳар ичкарисигача олиб бораман, иншааллоҳ.

Лайло ҳали ҳам безовта эди. Эҳ, хотиржам бўлганида роҳатланиб нафас олган бўларди.

Поёни кўринмас саҳрода узоқ вақт юришда давом этдилар. Ой гўёки: "Мен кетяпман", – деётгандек эди.

Лайло энди қўрқувдан титрамас эди. Бироқ шубҳа-гумонлари ҳали бутунлай тарқамаганди. У туянинг устида бир ерга, бир осмонга қараганча кетар эди.

– Қани, ўғлим, бизга Қуръондан оятлар ўқиб бер-чи, Ҳажжа ҳам ором олсин. Қуръон ҳорғин кўнгилларга ҳузур беради, – деди йўловчи ўғлига қараб.

Лайло яна шубҳаланди: "Мени Қуръон билан алдамоқчиларми? Йўқ, яхши одамга ўхшайди-ку. Аввалига қўрққандим, бироқ янглишибман. Ажабо, қора ниятли кишилар шундай очиқ чеҳрали бўла олармидилар? Мен эса ҳаётий ҳақиқатлардан нега бунчалик бехабар қолганимни англай олмабман ҳам. Қолаверса, бу одам бир неча соат олдин менга ёмон ниятли бўлиб кўринган эди, аммо энди нима бўлди?

Йигит Оли Имрон сурасининг 190-оятидан бошлаб тиловат қила бошлади. Али Қуръонни шундай қироат қилар эди-

ки, Қуръон Лайло учун даҳшатли кўринган бу саҳрода, унинг руҳиятида акс-садо бера бошлади. Бу билан гўёки саҳро ҳам ёришиб кетгандай туюларди.

Бир неча дақиқа давомида Қуръон тинглади.

Лайлонинг руҳиятидаги хотиржамлик юзида акс этарди. Саросималик ичра кечган бир неча соатлардан сўнг шаҳарга кириб келишди.

Ой тамомила ботаётган вақтда Лайло туядан тушди. Бу пайтда эркак такси тўхтатиб, ҳайдовчига пул бериш билан банд эди. Сўнг машинанинг орқа эшигини очди-да, Лайлога "Ўтир" ишорасини берди.

Лайло раҳмат айтиб, машинага ўтирар экан:

– Такси ҳақини тўладим, тағин сиз ҳам тўламанг. Илтимос, қўполлигим учун кечиринг. Бир аёлни ўша хавф тўла саҳрода қолдириш инсон қадр-қимматини топташдир. Менинг ҳам ичим ачиди, – деди эркак.

– Аллоҳ ҳам сизга ёрдам қилсин. Ҳам дунёда, ҳам охиратда бу кечанинг мукофотини кўринг. Йўл учун тўлаган пулингизни ўз ўлчови билан Аллоҳ сизга дунёда ҳам, охиратда ҳам ортиғи билан қайтарсин. Мени кечиринг. Ҳозир пулингизни бера олмайман, – деди Лайло хижолат тортиб. Эркак ерга қаради:

Ҳар қандай ҳам пул қайтиб олиш учун берилмайди. Ҳаж-жа, баъзи пуллар бандасининг қўли билан Аллоҳга берилади. Майли, йўлингиз бехатар бўлсин.

Лайло бирдан Алини эслади-да, унинг ёнига борди:

– Мени кечир, кечангни зое қилдим.

Йигит ғамгин ҳолда жавоб берди:

– Узр сўраладиган нарсанинг ўзи йўқ. Негаки қасддан қилмадингиз. Сиздан розиман.

Атрофдан ўтаётганлар яланг оёқ ҳолда таксига ўтирган Лайлога ажабланиб қарардилар. Аслида улар яланг оёқли аёлни кўришган эдилар, бироқ бунчалар чиройли, жуда ҳам бежирим кийинган аёлни бундай аҳволда кўрмаган эдилар.

Устида турли безакли қора юпка, қора нақшли қизил кўйлак, юзида кулгичи бўлган Лайло одатда зийнатли аёл қиёфасида кўринишни ёқтиришига қарамай, айни дамда буни сира хоҳламаётган эди.

Таксида кетар экан, аввало, дуо қилишга киришди: "Аллоҳим, сенга шукрлар бўлсин. Яхши инсонга дуч келдим. Пичоқдан фойдаланмадим".

Лайло кўп ўтмай яна йиғлай бошлади. Ҳайдовчи эса ойнадан унга қараб, кузатиб турди-да, бироздан сўнг:

– Кечирасиз, саййида, сизни нимадир хафа қилдими? Ёрдам керак эмасми? – деб сўради.

– Ташаккур, кераги йўқ, – деди кўз ёшларини артганча Лайло.

– Ташаккур Аллоҳга лойиқдир. Касал бўлсангиз, касалхонага олиб борайми?

– Соғ бўлинг, менга шифокорнинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.

– Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин, саййида.

Лайло йўл бўйидаги одамларга қарар, лекин тағин кўз ёшлари тўхтамасди.

Баҳор фасли бўлишига қарамай Лайлонинг оёқлари совқотди. Оёқларини уқалар экан, ичида эрини қарғарди:

KOSONSOY TUMAN AXBOROT - KUTUBXONA MARKAZI Kirish № 2023/1-389 «___» 20 ___ y

“Мени қай ҳолларга туширдинг, Ҳусну? Аллоҳ сенинг жазонгни берсин. Аллоҳдан азобланишингни сўрайман. Энди отамга нима дейман? “Кетма, қизим! У одам билан кетма. Ундан яхшилик чиқмайди. Қара, бугун рухсат бермасам ҳам кетяпсан, бироқ эртасига қайтиб келсанг, сени қабул қилмайман”, – деган эдилар. Мен эса “Уйингизга асло қайтмайман, ота. Мажбурласангиз ҳам, кетаман”, – дегандим. Отам ҳам: “Хоҳласанг ҳам уйимга келма”, – дея жаҳл билан жавоб бергандилар. Ўшанда: “Ҳусну эшигингизга муҳтож қилмайди”, – дегандим. Отам эса: “Сен каби аҳмоқ қизлар севган йигитларини дунёнинг энг яхши инсонлари, деб билишади. Лайло, бундай қилма, у одам билан турмуш қурсанг, бахтли бўлолмайсан”, – дегандилар. Айтганларидек бўлди: эшигига йиқилдим. Ҳусну, мени йиқитдинг”.

* * *

Қўрқув ичида ота уйининг эшик қўнғироғини босар экан, эшикни онаси очди. Қизини тушкун ҳолатда кўриши билан онаси шошиб сўради:

– Тинчликми, қизим, нима бўлди? Нега йиғладинг? Нимага яланг оёқсан? Нега ёлғизсан? Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

Лайло онасини қучоқлаб олди-да, бу сафар қаттиқ овозда йиғлаб юборди:

– Онажон, дунёда энг ишонган эркагимдан панд едим. Унинг учун боримни қурбон қилган бўлсам ҳам, у мени бошқа бир хотинга алмаштирди. Ортиқ бу дунёда яшай олмайман.

Қизининг аҳволидан қаттиқ ачинган она уни дарҳол меҳмонхонага бошлаб кирди.

Оқ-қора рангдаги чарм диван, ёрқин рангли гилам ва пардалар меҳмонхонани ҳашамат билан безатилганини кўрсатарди. Қимматбаҳо вазалар эса бойликларини ифода этарди.

Айнур она ғамга ботганди:

– Балки, ёлғондир қизим. Кел, гапир-чи, ўзи нима бўлди?

Лайло ҳамон йиғидан тўхтамас эди:

– Кутмагандим, онажон, сира кутмагандим. Охирги кунларда ҳомиладорлигим менга қаттиқ таъсир қилганди. "Мен машинанинг орқа ўриндиғида ухлайман", – дедим ва оёқ кийимимни ечган ҳолда уйқуга кетдим. Мансурага кетаётгандик, орадан икки соатча вақт ўтди. Ухлаб қолганим учун тушуна олмадим. Кўзларимни очдиму, жойимдан қўзғалмадим. Шу орада бошим қичиди, ўрнимдан туриб бошимни қашладим. Шунда машина ўриндиғининг ғилофи остида нимадир борлигини пайқадим. Ғилофни кўтаришим билан онажон! Нимани кўрдим денг? Эримнинг бегона бир аёл билан қучоқлашиб турган... Бирга овқатланаётган... Қучоқлашган расмлари... "Бу нима, Ҳусну? – дедим ажабланиб. Билдики, қўлимда расмлар бор. "Гапни чўзма, ўтмишда қолган нарса", – деди. Аммо расмларнинг янгилиги сезилиб турарди. Эгнидаги яқинда олинган кўйлак билан тушилган расм эди. Мен бақира бошладим ҳамда ўзимни машинадан ташладим. Кейин эса карвонда сафарга чиққан бир одам мени ўз туясига миндириб олиб келди. Ҳали ҳам ғазабдан тушолганим йўқ.

Айнур хоним хафа бўлди:

– Инсонни бошига ҳар нарса тушиши мумкин, қизим, Аллоҳ бундан-да ёмонидан сақласин.

– Онажон, бир аёл учун эрини бошқа хотинга бериб қўйишдан ҳам баттарроқ яна нима бўлиши мумкин?

Узун бўйли, тўладан келган Айнур хоним қизининг ёнига ўтириб, кўзларини ёшга тўлдирди:

– Инсон учун жуда ёмон бўлган кўп нарсалар бор, қизим. Ҳар нарсанинг зулмидан Аллоҳдан паноҳ сўра. Аммо отангга нима деймиз? Ёмон гап айтса хафа бўласан, эзиласан. Мен ҳам ундан баттар бўламан. Отангнинг қаттиққўллигини биласан. Бу оқшом гапирма.

– Онажон, мен ҳозир буларни ўйлайдиган аҳволдамасман.

– Биламан... Болагинам, Ҳусну билан бирга бўлишинг учун қимаган ишинг қолмаганди. Эҳромда намойиш учун чодирлар қуриб, эътироз қилганингда отангга "Мени ё Ҳуснуга берасиз, ёки эҳромларда чодир тикиб, ўша ерда яшайман", – деган эдинг. Отанг шунда ҳам розилик бермай, "Ундан қизимга эр чиқмайди", – деганди. Энди отангга қандай айтамиз? "Қизинг ҳомиладор ҳолида эридан ажрашмоқда" – дея ақлдан озади отанг. Зинҳор айтма! Иккаламизга ҳам дунёни тор қилади.

Лайло ҳайрон ичида кўзларини очар экан:

– Айтмасдан туролмайман, онажон. Ҳусну билан тезда ажрашаман. Ким эшитса, эшитаверсин, онажон, айтишга мажбурман. Айтмай туриб нима ҳам қила олардим?

– Майлику-я, қизим, отангнинг нима қилишини билиб бўлмайди-да. Унинг аниқ бир тутуми йўқ.

– Онажон, нима қилсалар қилсинлар. Бошқа чорам йўқ, ўша одамнинг олдига қайтмайман, онажон.

– Ўзинг биласан, қизим. Ундай бўлса, отангни кутмай ухлай қол. Сени эрталаб кўрсин. Тўйга кетган эди, бомдодга яқин келади. Ёки кўзига кўринмай ухла, ёки сенга аччиқ га-

пирса, хафа бўлма. Отангга бир сўз дея олмайман, оғир гапирса, аралаша олмайман.

Айни шу дамда пастки қаватдан портлаш ва қичқириқ овозлари қулоқни тешиб юборгудек бўлиб эшитилди. Кимдир "Ёрдам!", бошқа биров "Бизни қутқаринг!" – дер эди. Лайло ва онаси тўртинчи қаватдан ташқарига – зинапоя томон чиқдилар, бироқ шу дамда юзларига олов урилди. Иккинчи қаватда ёнғин содир бўлганди. Олов ошхонадан бошланган эди. Хонадон эгалари меҳмонхонанинг балконига йиғилиб, қичқирганча ёрдам сўрардилар.

Лайло дарҳол ўт ўчирувчиларга телефон қилганида "Хабаримиз бор, машина йўлда", – деган жавобни олди. Бақир-чақир ортиб борарди. Лайло ҳам, онаси ҳам хавотирга тушишганди.

«Она! Оловда ўлиб кетамизми?», деган гап-сўзлар эшитилар, иккала аёл ҳам ваҳимага тушиб қолгандилар. Шу пайт Лайлонинг хаёлига отасининг тўрини иккинчи қаватга ташлаш фикри келиб қолди. Дарҳол тўрни олиб чиқди. Бир учини балконнинг темир панжарасига боғлади-да, пастга қараб бақирди:

– Қани, бу тўр ёрдамида юқорига чиқинглар. Унгача ўт ўчирувчилар ҳам келиб қолишади.

Балконда аёллар ва болалар бор эди. Аёллар қий-чув қилишар, аммо тўр орқали тепага чиқишга журъат қилиша олмасдилар. Болалар эса йиғи аралаш бақирардилар.

Кўп ўтмай ўт ўчирувчилар етиб келишди ва қисқа вақтда ёнғинни ўчирдилар.

Лайло ҳам ўзини зўрға диванга отди:

– Воҳ онажон, умримни ярми тугаб қолди-я... Сал қолса ўлаёзгандик, ишонасизми, онажон, оёғимда мажол қолмади. Ҳали ҳам титраяпман.

– Мен ҳам, Лайло... Бир зумда роман ёзадиган даражада чуқур мавзуларни ўйладим. Ўлиш қанчалик осон, бир нафаслик ҳолат. Балки ажалимиз келмагани учун бизга осон туюлаётгандир.

– Она, мен бошқа жиҳатдан гапирдим. Инсон бехосдан ўлиши мумкин эканини айтмоқчиман, холос.

* * *

Лайло ўтирган ерида ухлаб қолди. Онаси ғамгин бир ҳолда унинг устини ёпиб қўйди.

Лайло туш кўрди: саҳродаги ўша одам билан тинимсиз курашарди. Уйғонганда туш вақти бўлган, отаси эса уйдан чиқиб кетганди. Аммо кечки овқат маҳалида кўришдилар.

Ота Саидбей, Лайло ва Айнур хоним бир дастурхон атрофида ўтиришар эди.

Саидбей қизига қараб:

– Тинчликми, эҳромлар қизи Лайло, эринг қаерда?

– Эҳ отжоним-а! Қанча йиллар бўлдики, менга ҳали ҳам эҳромлар қизи Лайло, дейишингиз қолмади-да.

Саидбей кўзларини катта-катта очиб, Лайлога қаттиқ ғазаб билан қаради:

– Сен нима деяпсан? Минг йил яшасам ҳам, сира унутмайман. Сенга эҳромлар қизи Лайло деяверaман. Ўша ерда қандай қилиб ёлғиз бошинг билан қўрқмасдан ётгандинг. Мен эркак бўлсам ҳам, шу ёшимда қўрқаман, ўша ерда бир кеча ҳам ёта олмайман.

– У вақтда ёшлик бор эди, умид бор эди ва орзуларимиз ниҳоясига етмаганди. Қолаверса, инсон ёш экан, хавф-ха-

тарни унча менсимайди. Ёшлар хавф-хатарларни кўрганида эди, дунёда террористларнинг ҳаммаси ёшлардан иборат бўлармиди? Ҳозирда мен ҳам ўша кунги аҳволимга ҳайрон қоламан. Қандай қочган эканман, билмайман. Аммо сизни жаҳлдан тушириш йўлларини излар эканман, нималар бўлмаганди, ота. Энди ўша кунларни эсдан чиқаринг. Буёғига бошқа қора кунлар бор.

Айнур хоним қош-кўзлари билан ишора қилди.

– Лайло, овқат қуяймми?

– Сизни овора қиламан-да, онажон.

– Нима экан бошқа қора кунлар? – деди Саидбей.

Лайло онасига қаради. Ғамгинлик билан бошини олдинга эгди.

Бу вазиятни англаб етган Саидбей қатъият билан сўради:

– Тинчликми, мендан яширадиган бирор нарса йўқ-а? Бўлиб ҳам кўрсин-чи. Ҳаммангни ёқиб юбораман. Мендан минглаб инсонлар яширин иш қилмайдилар-у, ўз уйимда сизлар яширин иш қиласизми? Оёқларингдан осаман...

– Тинчланинг, бошмуҳандис! Бегонага мурожаат қилаётгандек гапиришларингиз жонимга тегди. Оз бўлса ҳам ўзингизга келинг. Бу сўзлар нима деган гап бўлди, биз сизнинг қулингиз эмасмиз, ахир! Бу ҳақда ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди.

Саидбей қўлида қошиқни ушлаганча қотиб қолди:

– Яхшиликка бўлсин-да, сенда ажойиб ўзгариш бор. Мендан кейин бир нарса бўлдими? Сен бундай хўроз каби кеккаймасдинг, ҳар доим товуқ эканлигингни унутмасдинг.

Айнур хоним гўёки бир қўмондон аскарларга қиладиган муносабатни ўзида кўрсатишга уринди:

– Ҳа, бугунги ёнғинда сал қолди ўлишимизга. Балконда ўлимимни кутар эканман, неча йиллардан бери менга қилган зулмингиз ҳақида ўйладим. "Рўшнолик кўрмасдан кетаяпсан, Айнур, – дедим ўз-ўзимга ва қарор бердим. – Агар бугун ўлмасам, бундан кейин ҳеч кимнинг мени хўрлашига изн бермайман," – дедим. Буни сиздан бошлаяпман. Зотан, мени сиздан бошқаси хўрлай олмайдику-я!..

– Э-ээ, бу исёнингнинг сабаби шумиди? Шу ёшдан кейин...

– Ҳа, ҳеч бўлмаса шу кексайган чоғимда хотиржам бўламан. Сизнинг камситиб гапиришларингиздан тўйдим. Аммо уйланишдан олдин: "Турк қизлари араблар учун қиролича ҳукмидадир, сени бошимга тож қиламан," – дер эдингиз. Доим оёқ-ости қилдингиз.

Саидбей хотининнг кўзларига ҳайронлик билан қаради, бошини сарак-сарак қилди-да, овқатини ея бошлади:

– Менга яна бир марта шундай қўполлик қилсанг, сени пушаймон қилдираман, билиб қўй. Ойша қаерда?

Лайло билан Айнур хоним бир-бирларига қарадилар. Лайло "билмайман" маъносида елка қисди.

Айнур хоним эрига ҳеч нарса бўлмагандек жавоб берди:

– Ойша дугонасиникида дарс тайёрлар эмиш.

Саидбей бироз жим турди, сўнг:

– Менга қара, Айнур хоним, ёшлигимизда ўзимиз саёҳатга олиб чиққан барча қизларнинг оилаларига "ўртоқларим билан дарс қиляпман," – деганларини эшитганмиз. Қизимиз ҳам шундай қилмасин яна.

– Э! Сиз бутун оламга хиёнат қилсангиз, улар ҳам сизга хиёнат қилиши мумкинлиги борасидаги шубҳа билан яшашингиз табиийдир. Қилмиш – қидирмиш дунё бу.

Саидбей шиддат билан ўрнидан турди:

– Бу нима деганинг, аҳмоқ! Бутун олам енгилтабиат қиз вояга етказган бўлса, бу менинг айбимми? Мен тарбияли қизлар етиштирдим. Ҳеч бўлмаганда тарбияли қилиб ўстиришга ҳаракат қилдим. Чодирларга кирган бўлсалар ҳам, ҳеч кимнинг қўйнига никоҳсиз ҳолда кирмадилар. Қизингни олдида ёмон сўзларни айтишимга мажбур қилма. Ойша қаерда бўлмасин, уни топ.

Лайло алам билан овқатини ер экан, Айнур хоним эрига жавоб берди:

– Ўзингиз топинг. Нега мен топар эканман? Қаранг, сал қолса ўлаёзгандим. Ҳамиша уч қизнинг азобини ўзим тортдим. Самира ўлгунига қадар уч қизнинг ҳар бир хатосини сиздан беркитиш билан умр ўтказдим. Энди сиз ҳам қизларингизнинг дунёсига киринг. Икки кунлик дунёда ўз ҳаётимни вайрон қила олмайман. Қизингизни ўзингиз топинг.

Лайлонинг ички овози ҳам тилга кирганди: "Менинг муаммоларим ҳам шу пайтда алангалади-я. Э-воҳ, нима қилсам экан?" Сўнгра отасига юзланди:

– Ота! Мен бу кеча ҳам шу ерда қолишни истайман. Илтимос, жанжал чиқарманг, майлими?

– Эринг келадими?

Лайло индамай қолди. Айрим сўзлар бўғзига тиқилиб қолгандек эди:

– Йўқ!

– Бўлмайди. Аёлнинг ўрни эрининг ёнидадир. Эринг билан биргаликда уйимда йиллаб ҳам қолишинг мумкин. Ёлғиз ўзинг бўлсанг, уйингга кетасан.

– Ота, Ҳусну бу кеча онасиникига кетди-да.

– Ҳа, у ҳолда рухсат. Аммо сени нега олиб кетмади, тушунмадим?

– Кейинроқ айтиб бераман, ота.

Ғазаби қўзиган ота саволини кечиктириб ўтирмади:

– Нега кейинроқ?

– Кайфиятим йўқ, ота!

– Ҳа, рангинг кулга, кўзларинг ўликникига, сўзларинг телбаникига ўхшаб қолибди. Яхши, эртага гаплашамиз. Мен биламаган бошқа қора кунлар нима экан? Ўшани менга тушунтириб берарсан.

Саидбей телефоннинг олдига борди ва у ёқ-бу ёққа телефон қилиб, Ойшани суриштиришга киришди.

Она-ю қиз эса ошхонада дардлашишар эди.

– Она, бундай давом этсак, отам билан жанг бўладигандек, гўё. Менинг ажралишимга рухсат бермасалар, нима қиламан! Ўлсам-да, у одамни қайтиб эрим демайман, деёлмайман. Агар отам ҳам "Эр хиёнат қилиши мумкин", – деб қолсалар, ақлдан озаман. Уф, нима қилишни билолмай қолдим. Бу эр ўғриси бўлган виждонсиз хотинлар туфайли қандай аҳволга тушяпмиз.

– Насабли инсонда бундай иш бўлмайди, қизим. Аёл енгилтак бўлиб, эркак бундай бўлмаганда эди. Бири номусли бўлганида бундай ўғринча ишқ юз бермас эди. Сен ҳам ўз уйингда хотиржам бўлар эдинг.

– Менинг баҳоримни хазон қилмасди. Жуда тўғри айтдингиз, онажон, биттаси номусли бўлганда эди, менинг ичимга ўт тушмаган, рўзғорим бузилмаган бўларди.

– Хафа бўлма, қизим, бирор тенгингни топиб севиб қоларсан, бу кунларни эсдан чиқарасан.

– Эй онажон! Бўладиган гаплардан айтинг. Аллоҳ асрасин, мен бундан кейин асло ҳеч кимни севолмайман. Бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қачон бундай иш қила олмайман.

Айнур хоним қизига чуқур назар солди-да, хўрсинганча айтадиганини айтди:

– Сен, барибир, катта гапирма, жоним қизим. Асло "Асло" демагин, деган бир гап бор-ку, бунга эътиборсиз бўлма. Қолаверса, "Катта гапиришдан Аллоҳдан паноҳ сўра", – деган гап бор. Шундай эмасми, қизим?

Она-ю қиз Саидбейнинг баланд овозда гапирган сўзларига эътибор қаратишди:

– Ойша, дарҳол уйга қайт. Дарҳол!

Лайло бирданига эсга олди:

– Эҳ, онажон! Қўшнимизникида ёнғин бўлди. Нега ёрдамга чиқмадик? Мен-ку, ўз муаммоларим билан овора бўлиб ўйлай олмадим. Хўш, сизга нима бўлди? Ахир, "Қўшнининг дардини фақат ҳайвонгина тушунмайди", – деб ўзингиз айтмаганмидингиз?

– Сенинг дардинг менинг дардимдир, қизим. Муаммоларингга мен ҳам шерикман. Ҳозироқ овқат тушириб бераман. Ёнғин меҳмонхонага ўтмабди. Асосан киришдаги кўрпа-тўшаклар ёнибди. Бошқа қўшниларимиз ўша ердалар, овозлари эшитилаётганди. Онам: "Ўлик чиққан уйга, тўйхонага, бе-

мор кишининг олдига ҳамда ёнғин бўлган уйга овқат олиб бормаган қўшни ёмон қўшнидир", – дер эдилар.

Эҳ, онагинам-а! Қизининг ёмон қўшни бўлганини билсалар, қабридан туриб, мендан бунинг ҳисобини сўрарди. Майли, нима бўлганда ҳам сен отангнинг ёнига бор, мен эса қўшнидан хабар олиб келай. Отанг билан эртага гаплашамиз. Эртага дам олиш куни, янада кўпроқ дам олган бўлади. Нималарни гаплашмоқчи бўлсанг, гаплашасан.

– Хўп, онажон, роса қўрқяпман, аммо ҳозирда мажбурмиз.

Ошхона эшигининг ортида онасининг кўксига бошини қўйган Лайло яна йиғлай бошлади:

– Онажон! Менга буни қандай қилиб раво кўрди. Унга шунчалар ишонар эдимки, ўлгунимга қадар янги гул ҳидламас, деб ишонардим. Ҳеч нарсадан хафа эмасман, онажон, унга жуда ишонгандим, фақатгина шу нарса менга алам қилмоқда. Қўлларим, қанотларим арра билан кесилди, онажон. Орзуларим жарга қулади. Ўзимни оёқ-ости қилинган бир аҳмоқдек кўряпман. Бугун саҳродаги аҳволимни кўрганингизда эди, онажон, назаримда, ақлдан озаёзгандим. Ҳали ҳам ўзимга келолмаяпман. Ўшани деб ёлғиз бошим билан чодирда ётгандим, отамнинг қаршилигига дуч келгандим.

Онаю қиз Саидбейнинг овозидан яна чўчиб тушдилар.

– Хўш-хўш, ўзаро нималарни ғийбат қиляпсизлар? Аниқ биламан: мен ҳақимда гаплашяпсизлар. Келинглар, бу ерда суҳбатлашайлик.

Лайло кўз ёшларини яширганча отасининг қаршисига ўтди. Уй ичида асабий муҳит ҳукмрон эди. Саидбей Лайлога синчиклаб қаради-да, ўрнидан туриб, унинг ёнига келди.

Қўллари билан қизининг қўлларидан тутиб, бошини ўзи томон ўгирди ва унинг ғамгин юзини аниқ кўрди:

– Бу кўзлар кўп йиғлабди. Айт-чи, қизим, муаммонг нимада?

Лайло икки карра эзилгандек бўлди:

– Ҳеч нарса йўқ, – деди.

Аммо Саидбей:

– Бу "Ҳеч нарса йўқ", – деганингга ишонмайман, тезроқ гапир, – дея туриб олди. Сўнг хона ичида бир айланиб чиқди-да, сўзида давом этди. – Айт! Эринг урдими, лекин бунга ҳаққи бор. Сен менга қарши чиққан қизсан, ким билади, эрингга нималар қилгандирсан. Гапир, калтак едингми?

– Йўқ, ота.

– Шундоқ ҳам менинг номим билан аталувчи инсонни калтаклашга ҳеч ким журъат эта олмайди.

– Нега ундай, ота?

Саидбей ўзини дунёда энг муҳим, дея ҳисоблайдиган инсон сифатида қошиғини оғзига олиб борар экан, жавоб берди:

– "Нимаси" йўқ, гап шу.

– Урганда нима қилар эдингиз, шунга жуда қизиқдим, отажон. Ҳозирданоқ урса ҳам, бунга ҳақли демоқдасиз. Бу гапни гапирган отанинг қизи калтакланганида нима бўлар экан-а?

– Бу ўша вақтда маълум бўлади.

– Ёки хиёнат қилса-чи?

– Бу ишни қилмаган эркак замонамизда топилмаса керак. Сен, қизим, буни билмайсанми? Бундай ишлар ҳозирда – замонавий дунёда оддий ҳол саналади.

– “Ҳозирда” деганингиз...

– Дунё жуда бузилди.

– Аввалдан қандай эди?

Бирдан қизига қараган Саид ғазаб отига минди:

– Сен қанақа саволлар сўраяпсан? Қолаверса, эркак эркакдир, масалани чувалаштиришга ҳожат йўқ.

– Аммо аёл ҳам аёлдир, ота.

– Сен ақлдан оздингми, бу нима деганинг?

– Яъни айтмоқчиманки, ота...

– Нима демоқчисан?

– Аёл хиёнат қилса-чи?

– Бу нима деган гап?! Ўлгинг келяптими! Аёл киши қандай хиёнат қилади? Аёл дегани иффатдир, аёл номусли бўлади.

– Эркак номусли бўлмайдими, ота? Бу эркак номуссиз бўлади, деганими?

Саидбей каловланиб қолди:

– Ҳозир буларни кавлаштирма. Қани, айт-чи, нима бўлди? Нима учун йиғладинг?

– Ота... Ҳозир айтмасам...

– Бўлмайди, мен шу кеча нима сабабдан йиғлаганингни билишим керак.

– Ота, биласиз, ишлаяпман, эртага барвақт туришим керак. Ҳозир айтсам, мени хафа қиласиз, шундоқ ҳам ташвишим етарли, ухлолмайман.

Саидбей қизига тикилиб қарар экан, жаҳлдан қизариб кетди:

– Энди ортиқча чўзиб юбординг, Лайло, гапир, жаҳлимни чиқарма!

Шу пайт кўча эшиги тақиллади.

Лайло дарҳол ўрнидан туриб эшикни очди. Синглисидан жаҳл оҳангида сўради:

– Қаерда эдинг, Ойша? Соат неча бўлди?

– Соатга қарамадим. Мана, келдим-ку!

Лайло синглисига хавотир аралаш қаради:

– Ойша, бемаҳалда юришингни ёқтирмаяпман, бундан хабаринг бўлсин. Уйига ярим тунда келган қизларнинг кўпчилиги одобли бўлишга нолойиқ қизлардир. Ўша Ҳусайн деган йигит билан юрибсан, буни биламан, аммо ундан яхши турмуш ўртоқ чиқмайди! Буни сенга неча марта айтдим. Менинг аҳволимга тушасан. Қара, отам менга Ҳусну яхши эр бўлмаслигини айтганларида қулоқ солмагандим. Мана, бугун Ҳусну билан ажрашдим.

Ойша гўё қизиқ бир хабар эшитган ҳолатга тушиб қолди:

– А! Жиддий айтяпсизми, опа, ишонинг, бундан жуда хафа бўлдим. Нима сабабдан?

Тушкун кайфиятдаги Лайло асабий тарзда жавоб берди:

– У ғуруримни топтади, жоним! Отамнинг айтгани тўғри чиқди. Хуллас, жуфт танлашда катталарнинг тажрибасидан фойдаланиш лозим. Менинг ақлим етмади, ибрат оладиган ҳеч кимим йўқ эди, аммо сен мендан ўрнак олишинг мумкин.

Ойша опасига тикилганча отасининг ёнига борди.

Саидбей Ойшага ғазаб тўла кўзлари билан қаради:

– О! Ойша хоним, ниҳоят, уйингизнинг йўлини топдингиз! Менга қара, Ойша, бундан кейин дарс-парсингни тушунмайман. Мактабдан кейин тўғри уйга келасан, тушундингми? Бундан кейин шундай... Кеча эртароқ ухлабсан. Сен билан гаплашишни бугунга қолдиргандим. Сенга охирги марта айтяпман: мактабдан уйга, уйдан мактабга. Зинҳор, сени яна бир марта бошқаларнинг уйларидан йиғиштириб келмайин.

Ойша хафаҳоллик билан жавоб берди:

– Ота, опам эридан ажрашгани учун менга жаҳл қилманг, илтимос!

Бирдан Саидбейнинг ғазаби қўзиди.

– Нима?! Опанг эри билан ажрашдими? Турмушга чиқаётганда биздан сўрамади, тушундик! Демак, ажрашаётганда ҳам биздан сўрамабди-да. Бу қиз ҳаддидан ошиб кетди. Лайло! Дарҳол келсин, дарҳол ёнимга келсин!

Лайло дир-дир титраган қадамлар билан отасининг олдига келди. Ўзини устига тоғ қулагандек ҳис қилди, Лайло отасининг ҳамма гапини эшитиб турганди. Юраги ғамга ботгандек, ҳадиксираб жавоб берди.

– Лаббай, ота!

– Тўғрими шу хабар?

– ...

– Жавоб бер, эҳромларнинг қизи Лайло! Шу хабар тўғрими?

Лайло кўзларини ердан узмай, терга ботган ҳолда жавоб берди:

– Тўғри, ота. Кошкийди бу сўзни "Ёлғон", дея оладиган аҳволим бўлсайди.

– У ҳолда дарҳол бу уйдан даф бўласан ва қайтиб бу ерга келмайсан! Номимни тилга олмайсан. Сенга: "Эрингдан ажралсанг, эшигимга келмайсан", деб айтгандим. Мен уйимда бева хотин боқиб, одам сонини кўпайтирмайман. Қани, энди йўқол, уйимдан!

– Ота нега бунақа деяпсиз? – деди Ойша.

Айнур хоним ўртага суқилди:

– Тўхтанг, ўйлаб кўрайлик, Саид афандим. Айтдим-ку, сизга: пастдаги ёнғин кўзимни очди. Йўқ, бизга қулдек муомала қилманг. Аслида, қулга ҳам шафқат қилинади... Майли. Бу қиз фақат сизнинг қизингиз эмас, эсингиздан чиқарманг: уни мен туққанман! Гўёки, ўзингиз туққандек муносабатдасиз. Қизингиз хато қилди, деб унга ғайриинсоний муносабат қилмаймиз. Қиз шу пайтда қаерга борсин?! Соат неча бўлганидан хабарингиз борми? Кечки бир бўляпти. Шу соатда қаерга боради?

Тўнини тескари кийиб олган отанинг жавоби ўзгармади:

– Қаерга кетишини билмайман, аммо бу уйдан кетиши керак! Дарҳол. Эридан ажрашган қизни уйимда бир соат ҳам ушлаб турмайман! Қолдирмайман. Буни ўша вақтда ҳам айтганман. Жўна, даф бўл уйимдан, мени ғазаблантирма.

Айнур хоним жуда асабийлашди:

– Акангизнинг қизи ҳам эридан ажрашди, акангиз шундай қилдими? Қизини уйида олиб ўтирди. Ҳам руҳий томондан қўллаб-қувватлади, ҳам болалари билан биргаликда уни гулдек парваришлаяпти. Бир онадан туғилгансизлар... Бир миллатсизлар... Бир эътиқоддасизлар... Бу қандай даҳшатли фарқ бўлса-я? Гуёки уни бир инсон, сизни эса бир ҳайвон туққандек.

Саидбей жаҳл билан ўрнидан турди-да, хотинини ура бошлади. Қизлари орага тушганида уларни ҳам урди. Сўнгра Лайлони сочларидан ушлаганча ташқарига судради. Лайлонинг оёғида уй шиппаги, устида эса тунги кўйлак бор эди.

Айнур хоним ичкаридан "Қизим кетма!" – деб бақирди...

– Опам ҳайдаб чиқарилган уйда мен ҳам яшамайман. Опамни асло ёлғиз қолдирмайман, – дея Ойша эътироз билдирди.

Саидбей Ойшани ҳам кўчага ҳайдади.

Опа-сингил зинапоя олдида бир муддат ўтирдилар. Иккаласининг ҳам иссиқ кийимлари ичкарида қолганди. Бироз йиғладилар. Айнур хоним ҳам кетишни хоҳлади, аммо Саидбей уни қўйиб юбормади. Ҳақоратга тўла сўзлари узоқ вақт эшитилиб турди.

Иккала қиз кўчага чиқишди.

– Кечирим сўрайман, опа. Ажрашганингиздан отам хабардор, деб ўйлагандим, – деди Ойша.

Лайло бошини кўтарди:

– Ҳечқиси йўқ. Эртага хабардор бўларди.

– Ҳозир қаерга борамиз, опа.

– Амакимларнинг уйига борамиз.

– Пулимиз йўқ-ку? Амакимларникига бориш учун энг камида йигирма беш-ўттиз жўнай керак.

– Бориб отамдан олиб кел ва кейин амакимларникига кетайлик.

Ойша беш дақиқадан кейин қайтиб келди:

– Отам эшикни очмаяпти, опа. Нима қиламиз? Пастдаги қўшнимизникига борамизми?

– Бўлмайди! Уларникида бўйдоқ йигитлар бор. Гап-сўз бўлади.

– Бошқаларини танимайман. Боришимиз мумкин бўлган Самоларнинг уйи бор. Уларникида эса бугун ёнғин бўлди. Яхшиси, дугонамникига борайлик, опа. Шундоққина орқа кўчада...

– Бошқа чорамиз йўқ, майли, борамиз. Бундан кейин қўшнилар билан яқинроқ бўламан. Эътибор қилдимки, эшигини тақиллатишим мумкин бўлган бирор қўшним йўқ экан. Биринчи ишим шу хатомни тузатиш бўлади.

Вақт алламаҳал бўлиб қолганди. Қўрқинчли кўчаларда инсон боласи онда-сонда учрарди, холос. Кечки соат бирлар атрофида Ойшанинг дугонаси яшайдиган уй эшигини тақиллатишди, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Уйда одам йўқлигини англаб, ортга қайтдилар.

Опа-сингил Нил дарёси томон юрдилар. Дарё қирғоғи атрофида одамлар гавжум эди.

Лайло ва Ойша тунги кўйлакда эмасмидилар, шу сабаб уларга кўзи тушган борки, қайта-қайта термулар эди. Баъзи эркаклар беҳаё сўзларни ҳам айтишдан тап тортишмади. Опа-сингил ўзларини бу гапларни эшитмаганга солишар, шунчаки атрофга қараб қўярдилар, холос. Нилнинг қирғоғига яқин бир ўриндиққа ўтирдилар. Қайиқларга чиқаётган сайёҳлар ҳам бор эди. Ойша бўш қайиқ борлигини кўриб қолди:

– Опа, қара шу қайиқ бўш, юринг, бориб ичига кирайлик. Эгаси келишидан олдин уйғонамиз. Тонг отмасидан чиқиб кетамиз.

Лайло қайиққа қаради:

– Яхши фикр, зотан бошқа чорамиз ҳам йўқ.

Опа-сингил қайиққа чиқдилар. Қайиқнинг пастки қисмида махсус жой борлигини кўришиб, ўша ерга тушишди. Қирғоқдаги чироқлар бу жойни ёритиб турарди. Бу ерда ётиш учун жой ва кўрпалар борлигини кўрдилар. Иккаласи ҳам бирма-бир кўрпанинг остига кира солиб, ўзаро суҳбатни бошлаб юбордилар.

– Мен туфайли тинчинг бузилди, Ойша. Узр сўрайман, – деди Лайло.

– Опа, нега энди сиз сабабчи бўларкансиз, мен ҳам инсонман. Зинҳор хафа бўлманг, ҳар ҳолда сизни ёлғиз ташлаб қўядиган аҳволда бўлолмасдим.

Қайиқ ичига ташқаридан овозлар эшитиларди. Овозлар қайиқларда саёҳат қилаётганларга тегишли эди. Бу ҳолат Ойша учун ўзгача бир завқ берарди.

– Оҳ опа, бу қандай ажойиб кеча-я, ишонинг, менга жуда ёқяпти.

Лайло ўрнидан турди ва афтини буруштирганча қайтиб ўтирди, сўнг синглисига қараб:

– Сен ақлдан озибсан. Мен нима ғамдаман-у, сен нималар ҳақида ўйлаяпсан.

Суҳбат узоқ вақт давом этди. Гаплашадиган бирор мавзу қолмагач, Ойша ухлаб қолмасликлари учун чора излар эди:

– Опа, менга ҳаётингиз ҳақида айтиб берасизми? Сиз нега ёш вақтингизда турмушга чиқмасдан ўттиз беш ёшни кутдингиз ва шу ёшда ҳомиладор бўлдингиз? Мен...

Лайло унинг сўзини бўлди:

– Бу қизиқишинг уйдан ички кийимларда кўчага ҳайдалган кечамиз ўртага чиқдими?

– Эҳ опагинам? Кечамизга нима бўлибди? Қандай гўзал саргузаштларга гувоҳ бўляпмиз. Сиздан ўзингиз ҳақингизда эшитишнинг айни вақти. Сўрай десам, сизни кўролмаётгандим-ку.

Ойша ўрта бўйли опасига қараганда бироз новчароқ, қорадан келган, тиришқоқ бир қиз эди. Шундай саволлар билан опасининг қўрқувларни енгиб ўтишига йўл топган эди.

– Айта қолинг, опа.

– Бўлди, бирор кун айтиб бераман, аммо бу кеча ўтмишимни айтишга мадорим йўқ. У қандай расм эди-я, Роббим! Ақлимни йўқотиб қўйдим-а. Ўзимни машинадан ташқарига отдим, ўлишимга бир баҳя қолди. Пасткаш экан, мени ташлаб кетмаса керак деб ўйлагандим, аммо шундай қилди. Осмон узилиб тушса ҳам, энди унинг ёнига қайтмайман.

– Аммо поччамни ҳали ҳам севасиз, шундайми?

– Ойша бу айни пайтда сўраладиган саволми?

– Нима бўлибди, нотўғрими бу?

Лайло кўрпани устига тортди-да, сўнг:

– Соат икки бўлибди. Ухламайлик дегандим, аммо ухлаганимиз маъқул, қайиқнинг эгаси келгунича бу ердан кетайлик.

Зум ўтмай икки сингил уйқуга кетишди.

* * *

Лайло уйғониши ҳамон моторнинг овозини эшитди. Овоз ўзлари чиққан қайиқдан келарди. Дарҳол Ойшани уйғотди. Тонг отганига анча вақт бўлганди. Бошларини кўтариб юқо-

рига қарашди. Не кўз билан қарашмасин, қайиқнинг денгизда эканини англадилар. Қайиқ улкан Оқ денгиз ичида эди.

Саросималик билан бир-бирларига қараб қолишди. Сўнг шивирлаб гаплаша бошладилар.

– Энди нима бўлади, опажон?

– Билмайман.

– Мен ҳам билмайман.

– Эртароқ уйғонмаганимиз бизга қимматга тушди.

– Опажон, Нилнинг денгизга қуйилишини билардим, аммо бунчалар яқин эканлигини билмасдим.

– Тез келдикми? Соат неча бўлди экан-а? Менимча, камида тўққиз бўлгандир. Уйқудан қачон турганимизни ҳам билмаймиз-ку, қайиқ тез сузгандир.

– Менимча ҳам шундай.

– Уф, энди нима бўлади? Бирор иложимиз йўқ, қайиқ ҳайдовчисига кўринишимиз керак. Бошимизга келганларни кўряпсанми? Ота ўз фарзандини уйидан ҳайдаса, табиийки, ўша боланинг бошига турли кўнгилсизликлар тушмай қолмайди.

– Яхши, опажон, сиз биласиз, аммо мен қўрқиб кетяпман. Қайиқдаги эркак бизга қурол ўқталиб, бирор ёмонлик қилишга ҳаракат қилса, нима қиламиз?

– Жонингни берасан, аммо номусингни бермайсан. Мен онамдан шундай ўрганганман Меҳмонхонамизда жонингни нималар учун қурбон қилишинг ҳақида ёзилганди. Ушбу тўртта нарса учун жонингни берсанг, шаҳидлар қаторида бўласан:

1. Дининг учун.

2. Наслинг учун.

3. Номусинг учун.

4. Ватанинг учун.

Ойим менинг болалик пайтимда жуда курашувчан аёл эди. Давраларнинг машъаласи эди. Кейин эса ундаги жасорат йўқолди, ўрнини гўёки сўнган бир юлдуз эгаллади. Хавотирланма, қайиқдаги эркак ёмон бўлса ҳам, бир иложини қилармиз. Кеча ичида яширин кичик пичоғи бўлган тақинчоғимни тақиб олгандим. Яхши ҳамки шундай қилган эканман. Эркак бизга ташланса, у кўппакни ёриб ташлайман. Чалғимайлик, руҳиятимизни кўтарайлик. Биласан: тўрт нарса учун жон берилади ёки жон олинади. Шунга кўра ўша эркак бизга ташланса, раҳм қилиб ўтирмайман. Ҳа, яна бир жиҳати шуки, дин учун ўласан, аммо душманинг сени ўлдиришга харакат қилмагунча уни ўлдирмайсан. Номус ҳамда Ватан учун ҳам жон олиб, жон берасан.

– Эҳ, опажоним! Эрталабдан ўлим ҳақидаги гапларингиз нимаси... Ўлмоқ, ўлдирмоқ... Ким ўлади, ким ўлдиради? Одамни қўрқитмасангиз-чи.

– Секинроқ гапир, эшитиб қолмасин. Билиб бўлмайди: ким ўлади, ким ўлдиради? Кўрдинг-ку, опамни ўлими режада бормиди? Сира кутилмаганда вафот этди. "Ўлим жон олувчи фаришта учун шамга пуфлашдек бир иш бўлса керак", – деб айтар эдилар-ку, онам. Аммо биз онамиздек яхши бир тақводор бўлолмадик. Ҳар доим дўстларимизнинг шайтоний ҳаволарига алданиб қолдик. Уларга қўшилиб, тайини йўқ одамларни учратдик, кўринишларига қараб баҳо бердик. Дин ва иймонга алоқаси бўлганларга эътибор ҳам бермадик.

Омина Шенликўғли

ЭҲРОМЛАР ҚИЗИ ЛАЙЛО

"Эҳромлар қизи Лайло"

Турк адабиётининг машҳур ёзувчиси Омина Шенликўғли қаламига мансуб "Эҳромлар қизи Лайло" романини ўқир экансиз, асар қаҳрамонлари, айтиш жоиз бўлса, уч авлод ҳаётининг турли синовлари, тақдирнинг кутилган ва кутилмаган сийловлари билан эврилишига гувоҳ бўласиз.

Отасининг қаршилигига қарамай ўз севгилисини танлаган Лайлонинг бахтиёр ва ширин бошланган кунлари шу қадар аччиқ ва шу қадар аянчли якун топадики, воқеа ривожини кузатиб бораётган ўқувчининг қалби оғримай қолмайди. "Ундай қилма ўғлим! Ёлвораман сенга! Болам, сенга яхши бўлиши, кўнглинг ўксик бўлмасин деб ҳаракат қилдим... Болам қайт! Сени жангари қилолмайман!.." Севган ёрининг, умр йўлдошининг хиёнати сабаб ҳали туғилмаган гўдагининг келажаги ва истиқболи учун ўзининг ҳаётини маълум маънода қурбон қилган Лайлонинг ўғлига қилган илтижоларини гўё эшитиш, ҳис этиш жуда оғир.

Қаердадир йўл қўйилган хато ёхуд бўшлиқ онанинг фарзандининг ўз орзусидагидек инсон бўлиб улгайиши йўлида қилган минг ҳаракатини бутунлай аксига эврилиш қилди. Аммо аччиқ якун бўлсада, онанинг халқи, Ватани олдида адолатли қарор қабул қилиши яраланган юраги, бой берган фарзанди учун таскин бўла олади.

"Ундай қилма ўғлим!
Ватанингни сотма ўғлим!
Бир фарзандки Ватансиз, унинг муқаддас байроғисиз яшай олмайди.
Ахир, Ватан учун, Ўлка учун ҳам жон олинур, ҳам жон берилур!"

Тошкент шаҳар Лангар кўчаси, 78 уй.

ISBN 978-9943-7788-8-7

ZUKKO KITOBXON

t.me/ZukkoKitobxon
Zukko-Kitobxon
zukko_kitobxon
+(998) 97 157-51-55